

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

102 Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2564

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) қонунлари-га мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) бажариш юзасидан **буюраман:**

1. Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 17 февраль,
9-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2014 йил 17 февралдаги
9-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни
эълон қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) қонун-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

ларига мувофиқ суғурталовчилар томонидан эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

1-боб. Суғурталовчилар томонидан эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шакли

1. Суғурталовчилар томонидан эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидаларга (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 217-модда) мувофиқ тузилган суғурталовчиларнинг йиллик молиявий ҳисобот шакллари;

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да (рўйхат рақами 474, 1998 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 5-сон) белгиланган талабларга мувофиқ равишда тузилган, суғурталовчи фаолиятининг якуний натижаларига ҳисобот йилида таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати;

мажбурий аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосаси.

2. Суғурталовчи қўшимча равишда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ахборотни ҳам эълон қилиши мумкин.

2-боб. Суғурталовчилар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартиби ва муддатлари

3. Суғурталовчи йиллик молиявий ҳисоботни мажбурий аудиторлик текшируви якунланганидан кейин ўн беш кун ичида, лекин ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майдан кечикмасдан, ўзининг расмий веб-сайтида ва молиявий-иқтисодий йўналишдаги республика босма нашрларида эълон қилади. Бунда босма нашрларда йиллик молиявий ҳисоботнинг фақат қуйидаги шакллари (қисқартирилган шаклда бўлиши мумкин) суғурталовчининг расмий веб-сайтида эълон қилинган йиллик молиявий ҳисоботига ҳавола мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда эълон қилинади:

«Бухгалтерия баланси» — 1-сонли шакл — суғурта;

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғурта.

4. Суғурталовчи ўзи томонидан эълон қилинган йиллик молиявий ҳисоботдаги маълумотлар ўзгарган тақдирда беш иш кун ичида ўзгартирилган маълумотлар, ўзгартириш сабаблари ҳамда олдин эълон қилинган ахборотни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда кўрсатган ҳолда ўзгартирилган йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши шарт.

5. Суғурталовчи ушбу Низомнинг 3 ва 4-бандларига мувофиқ ўзи томонидан йиллик молиявий ҳисобот (ўзгартирилган йиллик молиявий ҳисобот) эълон қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида тегишли босма нашрнинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиши шарт.

3-боб. Якуний қоидалар

6. Суғурталовчи ўзи томонидан эълон қилинган йиллик молиявий ҳисоботнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир.

7. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.